

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

20-сон
(832)
2018 йил
21 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

420. «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори

421. «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3727-сон қарори

Учинчи бўлим

422. «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги 378-сон қарори

Бешинчи бўлим

423. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 23 апрелдаги 22-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларнинг 2-иловасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-1*)
425. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20, 10-ққ-сон «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1956-1*)
426. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20/1, 10-ққ/1-сон «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3012*)
427. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 1 майдаги 180-сон «Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3013*)
428. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 4 апрелдаги 70-сон «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941-1*)
429. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/16-сон «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 574-1*)

430. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2326-2*)
431. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/1-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3014*)
432. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 19 майдаги 288-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1910-1*)
433. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 7 майдаги 89, 15, 2018-33, 01-02/8-33-сон «Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2918-1*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 14 майдан 19 майгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

420 **Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизими- ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри- сида***

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиёти таҳлили, шунингдек, халқ билан бевосита мулоқот натижалари ушбу соҳада бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

биринчидан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги;

иккинчидан, жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш, шунингдек, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги ҳуқуқий механизмларнинг етарли даражада самарадор эмаслиги;

учинчидан, алоҳида турдаги жиноятларни содир этганлик учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги;

тўртинчидан, тезкор-тергов тадбирларини ўтказиш сифатининг кониқарсизлиги ва процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланилиши;

бешинчидан, халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги, жумладан юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг мавжуд эмаслиги;

олтинчидан, суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жуда паст даражада эканлиги.

Замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

олган ҳолда, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси-ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгилансин:

жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш;

жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш;

жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;

жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи «Электрон жиноят иши» дастлабки лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

жиноят ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклда юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида суриштирув органларининг прокуратура органлари, судлар ва жазони ижро этиш органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашинуви имкониятини берувчи химояланган тизимни, жумладан ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш, жиноят ишлари бўйича статистика юритиш-ни автоматлаштириш орқали жорий қилиш;

ҳужжатнинг ягона идентификаторини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларнинг суриштирув органлари, судлар, прокуратура органлари билан Интернет тармоғи орқали ахборот алмашинувини таъминлаш;

жиноят ишлари бўйича суриштирув амалиётида жиноят-процессуал ҳужжатларининг ягона электрон шаклини ишлаб чиқиш;

жиноят ишларини юритиш жараёнларини, шу жумладан жиноят ишлари бўйича электрон иш юритувда тартиб-таомилларни қисқартириш ва ортиқча босқичларни чиқариб ташлаш орқали оптималлаштириш;

процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартибларини, жумладан электрон шаклда санкциялар олиш, далилларни тўплаш, экспертизалар, суд муҳокамаси ўтказиш ва суд қарорларини ижро этиш орқали соддалаштириш.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўрин-

ларда Идоралараро комиссия деб юритилади) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Идоралараро комиссия (О.Б. Муродов):

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш, шунингдек, «Электрон жиноят иши» дастлабки лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этсин ва уларнинг иш режаларини тасдиқласин;

2018 йил 1 декабрга қадар Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Миробод туманларида «Электрон жиноят иши» дастлабки лойиҳаси (кейинги ўринларда — дастлабки лойиҳа) амалга киритилсин;

2019 йил 1 октябрга қадар дастлабки лойиҳанинг синовлари натижаларидан келиб чиқиб, жиноят ишлари бўйича электрон иш юритуви жорий қилиниши муносабати билан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

2019 йил 1 декабрга қадар ушбу қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаларини киритсин.

Ушбу бандда белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида:

жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги илғор халқаро тажрибани, умумэътироф этилган норма ва стандартларни, жумладан жойларга чиққан ҳолда ўрганишни;

илмий доиралар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманлари ташкил этишни таъминласин.

5. Дастлабки лойиҳа иштирокчилари рўйхати ва уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, дастлабки лойиҳани амалга ошириш доирасида:

бир вақтнинг ўзида ҳужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклларида фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Электрон жиноят иши» лойиҳасининг амалга оширилиши ва юритилишига масъул бўлган ваколатли орган ҳисобланади;

иш ўринларини жиҳозлаш, ички локал-ҳисоблаш тармоқларини ташкил этиш тегишли вазирлик ва идоралар — дастлабки лойиҳа иштирокчиларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

алоқа каналлари билан таъминлаш «Ўзбектелеком» АК томонидан Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

«Электрон жиноят иши» тизимини яратиш ва жорий этиш, уни дастлабки лойиҳа иштирокчиларининг мавжуд ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграция қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарурий

* 2 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чораларни кўриш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш «UNICON.UZ» ДУК томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази билан биргаликда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Идоралараро комиссия раисига юклатилган вазифаларни амалга оширишда вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, республиканинг илмий ва таълим муассасалари вакиллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар маслаҳатчиларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

8. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижроси учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Идоралараро комиссияга хорижий мамлакатларга сафарларни ташкил этиш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашув ва музокараларни ўтказишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, масъул вазирлик ва идоралар ушбу қарор билан белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий ва амалий чоралар кўрилишини таъминласин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 май,
ПҚ-3723-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 14 майдаги
ПҚ-3723-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва
жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари шахсни жиноий тажовузлардан самарали муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш учун ҳуқуқий пойдевор яратди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида унинг нормаларини такомиллаштиришга, жиноят процессига жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларини белгилаб берган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг тарихий аҳамиятга эга бўлган босқичи бўлди.

Хусусан, жиноят қонунчилигининг янада либераллашуви ҳамда алоҳида тоифадаги жиноятларни жиноий юрисдикциядан чиқариш амалга оширилди, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар рўйхати кенгайтирилди.

«Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, жиноят ишлари бўйича иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш, шунингдек, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳар бир ходим томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» деган эзгу ғояни амалга оширишга асосланган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ташкил этиш тубдан қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиётида, жумладан мамлакатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукамал эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, хусусан:

жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилаётган ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги;

жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш, шунингдек, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги механизмларнинг етарли даражада тартибга солинмаганлиги;

алоҳида турдаги жиноятлар учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги;

тезкор-тергов тадбирлари ўтказиш сифатининг қониқарсизлиги ва процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланилиши;

халқаро ҳуқуқ ва хорижий амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий

институтларнинг етарли даражада, жумладан юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш соҳасида имплементация қилинмаганлиги;

суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жуда паст даражада эканлиги.

Юқоридагилар қўйидаги асосий йўналишларни назарда тутувчи давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этади:

I. Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш

1. Жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш

1. Жиноят қонунчилигини халқаро стандартларга унификация қилинганлиги ва мувофиқлаштирилганлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш.

2. Турлича шарҳлаш ёки коррупция ҳолатлари содир этилишига йўл қўядиган ёхуд ижтимоий хавфлилик даражаси ва характери жиноят қонунчилиги принципларига мос келмайдиган қилмишлар учун жавобгарлик белгиланишига йўл қўядиган нормаларни чиқариб ташлаш.

3. Жиноят кодексидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар, қарама-қаршиликлар ва «оқ доғлар»ни бартараф этиш.

4. Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш.

5. Жиноятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданиятни сингдириш, уларни Конституция ва қонунларга амал қилиш руҳида тарбиялаш.

2. Жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш

1. Жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характери белгиловчи муқобил кўрсаткичларни жорий этиш орқали жиноятларни таснифлаш тизими ва мезонларини қайтадан кўриб чиқиш.

2. Жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигининг ишончли кафолатини таъминлаш.

3. Жазолар тизими ва уларни тайинлаш механизмларини қайтадан кўриб чиқиш, эскирган ҳамда замонавий талабларга жавоб бермайдиган жазолар шакли ва турларини чиқариб ташлаш.

4. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларни тарбиялаш, шунингдек, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган жазо турлари ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини жорий этиш.

5. Тамом бўлмаган жиноят, жиноятда иштирокчилик ва бир қанча жиноят содир этиш институтларини уларнинг мезонлари ва хусусиятларини аниқлаштириш орқали такомиллаштириш, шунингдек, улар ўртасида мавжуд зиддиятларни бартараф этиш.

6. Рағбатлантирувчи нормаларни, жумладан жазони енгиллаштириш ёки шахсни жиноий жавобгарлик ёхуд жазодан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтириш.

7. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларни белгиловчи нормаларни такомиллаштириш.

8. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш институтини, жумладан мазкур чораларни қўллаш асосларини кенгайтириш орқали ривожлантириш.

3. Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини амалда ва ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш

1. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг алоҳида таркибини босқичма-босқич жиноий юрисдикциядан чиқариш сиёсатини давом эттириш.

2. Жиноий жазоларнинг санкцияларини жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характери билан қатъий мувофиқлаштириш, жазоларнинг муқобил турларини оқилона ва мутаносиб равишда қўллашни таъминлаш.

3. Жиноят қонунчилигининг, айниқса, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи маротаба содир этган, шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари — вояга етмаганлар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, хомиладор аёллар ва қарамоғида вояга етмаган болалари бўлган ёлғиз шахсларга нисбатан янада инсонпарварлигини таъминлаш.

4. Оғир ва ўта оғир жиноятлар, жумладан терроризм, экстремизм ва коррупциявий жиноятларни, шу билан бирга уюшган гуруҳ ҳамда жиноий уюшма таркибида қийноққа солиш усулларида фойдаланган ҳолда жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан кескин жиноий сиёсатни давом эттириш.

5. Жиноят процессига жалб этилган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноий-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш.

6. Жиноят қонунчилигига дунё ҳамжамиятида тобора ортиб бораётган хавфларни ҳисобга олган ҳолда трансмиллий ва халқаро жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликни киритиш.

7. Технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш.

II. Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш

1. Жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш

1. Жиноят-процессуал қонунчиликни халқаро стандартларга унификация қилинганлиги ва мувофиқлаштирилганлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш.

2. Турлича талқин қилинадиган ёки уларни қўллаш бўйича тушунтириш талаб этувчи жиноят-процессуал нормалардан воз кечиш, шунингдек, тўғридан-тўғри қўлланувчи қонунлардан фойдаланиш амалиётига тўлиқ ўтиш.

3. Жиноят-процессуал қонунчилик тизимини нормалар ва институтларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллашнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, шунингдек, такрорланувчи нормалардан воз кечиш.

4. Жиноят-процессуал тамойиллар тизимини замонавий ёндашувлар, илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш.

5. Жиноят-процессуал қонунчиликдаги фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш.

6. Халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқлаштириш.

2. Жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли кафолатини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш

1. Суд-тергов фаолиятининг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш, жиноят ишлари бўйича иш юритувда жамоатчилик иштироки институтини кучайтириш.

2. Адвокатларнинг процессуал ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш орқали тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини амалда рўёбга чиқариш, уларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ишларга оид асосларни кенгайтириш.

3. «Хабеас корпус» институтини қўллаш кўламини, жумладан судгача бўлган босқичда амалга ошириладиган процессуал қарорлар ва ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш институтини жорий этиш орқали кенгайтириш.

4. Суриштирув ва дастлабки тергов жиноят-процессуал институтларини янада такомиллаштириш, жиноят ишларининг кетма-кетлигини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларни дифференциациялаш.

5. Терговга қадар текширув ва суд босқичларида ишларни кўриб чиқишда ярашув институтини қўллаш доирасини кенгайтириш.

6. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган жиноят-процессуал нормаларни такомиллаштириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш бўйича чораларни кучайтириш.

7. Терговга қадар текширув жараёнига жалб этилган, шунингдек, жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушланган шахсларнинг процессуал мақомини аниқлаштириш.

8. Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда жиноят ишларини тўхтатиш ва жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тартиби ҳамда асосларини такомиллаштириш.

9. Тўхтатилган жиноят ишлари доирасида тақиб қўйилган ва гаровга олинган мол-мулклар, ашёвий далиллар тақдирини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларни қайта кўриб чиқиш.

10. Реабилитация институтини қўллаш асосларини ва уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш.

11. Судга қадар ва суд босқичида экспертиза ўтказиш ва тафтиш қилишнинг аниқ мезон ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш.

12. Судга қадар ва суд босқичида мутахассиснинг процессуал мақомини аниқлаштириш, шунингдек, мутахассис фикрига процессуал тус бериш.

13. Процессуал муддатларни ҳисоблаб чиқиш ва процессуал чикимларни қоплаш тартибини такомиллаштириш.

14. Жиноятдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни қоплаш ва қўмаклашишнинг самарали механизмларини ўрнатиш.

15. Маҳкумларга нисбатан амнистия ва афв этиш шаклидаги инсонпарварлик актларини қўллаш тартибини такомиллаштириш.

3. Жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини жорий этиш

1. Судга қадар ва суд босқичида содалаштирилган иш юритиш тартиб-таомилларини янада ривожлантириш, суд-тергов ҳаракатларининг инновацион шакллари ва услубларини жорий этиш.

2. Терговга қадар текширув жараёнида жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида айрим процессуал ва тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг оптимал механизмларини яратиш.

3. Тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини таъминлаш асосида дастлабки эшитиш институтини жорий этиш орқали жиноят ишини суд муҳокамасига тайинлаш босқичини ислоҳ қилиш.

4. Суд муҳокамасида айбловни ўзгартиришни, жумладан янада оғирроқ айбловга ўтишни назарда тутувчи механизмларни, шунингдек, прокурор айбловдан воз кечишининг процессуал механизминини яратиш.

5. Гувоҳ, жабрланувчи ва жиноятдан жабр кўрган шахсларни ҳимоя

қилиш бўйича таъсирчан жиноят-процессуал ҳамда ташкилий чораларни жорий этиш.

6. Гувоҳ ва жабрланувчилар кўрсатувларини, биринчи навбатда, уларни объектив сабабларга кўра кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган ҳолларда, олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирования қилиш) институтини жорий этиш.

7. Суд-тергов фаолиятида, хусусан «Электрон жиноят иши» ва «масофадан сўроқ қилиш» тизимларини жорий этишда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш.

8. Янги жиноят процессуал институтларни жорий этишни ҳисобга олган ҳолда суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институтини янада ривожлантириш.

9. Суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг ижросига тааллуқли муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизмларини яратиш.

III. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясини амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни жаҳон ҳамжамиятининг жадал ривожланиш тенденцияларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояси, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашни инobatга олган ҳолда янада такомиллаштириш.

Бунда қуйидаги мақсадларга эришиш алоҳида аҳамият касб этади:

жиноятнинг олдини олиш ва фуқароларни қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг амалий ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш;

суд-тергов фаолиятининг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш, жиноят ишлари бўйича иш юритувда жамоатчилик иштироки институтини кучайтириш;

миллий хусусиятлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш;

жиноий қилмишдан жабр кўрган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш механизмларининг самарадорлигини ошириш;

суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш концепциясини самарали амалга оширишнинг пировард натижасида «Қонун устувор — жазо муқаррар» тамойили ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**421 Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатда давлат театрлари, цирклари, музейлари, ҳайвонот боғлари, концерт ташкилотлари, ижодий жамоалари, маданий-маърифий муассасалари (кейинги ўринларда давлат маданият муассасалари деб юритилади) ва давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилиши маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишга, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширишга, санъатни ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантиришга, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантиришга, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этишга имкон берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги (кейинги ўринларда — «Ўзархив» агентлиги) томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондида бўлган ҳужжатли маданий мерос объектларини ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, бадиий ижодни, жумладан театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, халқ тарихи ва унинг замонавий ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича белгиланган вазифалар маданият ва архивлар соҳасидаги малакали кадрларни рағбатлантирмасдан таъминланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг ижодий маҳоратини муносиб баҳолашни таъминлашга, касбий даражасини ҳамда малакасини узлуксиз ошириши учун рағбатлантириш усуллари яратишга йўналтирилган меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий таъминотини яхшилаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Ўзархив» агентли-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

ги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг:

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари артистлари, маъмурий-бошқарув, бадий-раҳбар, ижодий ва бошқа ходимларининг, шунингдек, давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг (кейинги ўринларда — давлат маданият муассасалари ва давлат архивларининг ходимлари) меҳнат ҳақи миқдорларини ўртача 45 фоизга ошириш;

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий лавозим маошларини белгилашни назарда тутувчи меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ҳамда лавозим маошлари ўртасидаги тафовутни кўпайтириш ҳисобига касбий ўсишни рағбатлантириш;

2018 йил 1 июндан Ўзбекистон давлат цирки, ҳайвонот боғлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг кўзи ожизлар учун кутубхоналари ҳамда давлат архивлари ходимларининг алоҳида тоифаларига театр-концерт ташкилотларининг артистлари ва бадий ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун белгиланган миқдорларда ҳар ойда тақдирлаш пули тўланишини белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши ва узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойда тақдирлаш пули тўланиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва тегишли давлат маданият муассасалари ҳамда давлат архивларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларини;

мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойлик тақдирлаш пули белгиланадиган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг алоҳида тоифалари рўйхатини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

4. 2018 йил 1 июндан концерт-томоша кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган, юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромадлар оладиган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 30 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–3454-сон қарорига 9¹-иловининг рус тилидаги матнида 4-позицияси «Став-

ки налога в % к налогооблагаемой базе» устундаги «30» рақами «5» рақами билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва «Ўзархив» агентлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С. Сайфуллаев ва «Ўзархив» агентлиги бош директори У.Б. Аъламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 май,
ПҚ-3727-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

422 Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3651-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3651-сон қарорига мувофиқ:

нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш ва давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини рағбатлантириш билан боғлиқ тадбирларга йўналтирилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасида алоҳида очилган махсус ҳисобварақда жамланиши;

давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ташкил қилинадиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларига давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланган сумманинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасининг махсус ҳисобварағи маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага;

Давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида фаолият юритадиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 майда эълон қилинган.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил давомида махсус ҳисобварақ ташкил этилгунга қадар тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш учун ажратилган имтиёзли кредитлар махсус ҳисобварақда жамланган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 май,
378-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 19 майдаги 378-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш
давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасининг
махсус ҳисобварағи маблағларидан фойдаланиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасининг махсус ҳисобварағи (кейинги ўринларда махсус ҳисобварақ деб аталади) маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Махсус ҳисобварақ маблағларидан устувор равишда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигида шакллантирилган тузилган битимларнинг ягона реестрига киритилган тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишни назарда тутувчи лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида фойдаланилади.

Махсус ҳисобварақ маблағларидан зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигида шакллантирилган тузилган битимларнинг ягона реестрига киритилмаган тадбиркорлик субъектларининг нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишни назарда тутувчи лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида ҳам фойдаланилиши мумкин.

2-боб. Махсус ҳисобварақ маблағларидан фойдаланиш

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ижро этувчи дирекцияси ҳамда тижорат банклари ўртасида 3 йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил муддатга фоизсиз маблағ ажратиш тўғрисида бош келишув имзоланади.

4. Махсус ҳисобварақдан тижорат банкига маблағ ажратиш бўйича бош келишувда банк ушбу маблағлардан тадбиркорлик субъектларига мазкур Низомда назарда тутилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида кредит бериш учун фойдаланиши қатъий белгиланади.

5. Махсус ҳисобварақдан тижорат банкларига тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига кредит учун ажратиладиган маблағлар кредит ажратиш муддатига қараб, тегишли баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

6. Тижорат банклари кредит ажратиш бўйича буюртмаларни бош келишувга асосан Жамғармага тақдим этади.

7. Жамғарма тижорат банклари томонидан тақдим этилган буюртмаларга асосан 3 банк иш кунида кредит ажратиш учун ушбу маблағларни тижорат банкларининг тегишли баланс ҳисобварақига ўтказиб беради.

8. Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш махсус ҳисобварақдан тижорат банкларига ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

9. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига 3 йиллик имтиёзли давр билан 15 йил муддатга йиллик 1 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилади.

10. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига кредитлар қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

11. Тижорат банклари махсус ҳисобварақдан ажратилган маблағлар ҳисобидан берилган имтиёзли кредитлар ва уларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан белгиланган тартибда Жамғармага ҳисобот топширади.

3-боб. Тижорат банклари томонидан махсус ҳисобварақ маблағларини қайтариш

12. Махсус ҳисобварақ маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилиши тижорат банклари томонидан Жамғарма билан биргаликда доимий равишда мониторинг қилиб борилади.

13. Тижорат банклари томонидан махсус ҳисобварақдан жалб этилган маблағларни қайтариш, тижорат банклари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузилган график асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан кредит маблағлари ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда жалб этилган маблағлар тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан Жамғармага қайтарилади.

4-боб. Махсус ҳисобварақ маблағларини бошқариш

14. Махсус ҳисобварақ маблағларини бошқариш Жамғарма ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

Жамғарма ижро этувчи дирекцияси:

махсус ҳисобварақ тушуми ва харажатлари прогнозини манбалар, ҳудудлар ва чораклар бўйича тайёрлайди, унинг бажарилишини таҳлил қилади ва мониторингини юритади;

махсус ҳисобварақ маблағларининг тушиши ва тақсимланиши ҳисобини юритади, мазкур Низом ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган харажатларни амалга оширади, махсус ҳисобварақ бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ҳисобварақ маблағларининг ишлатилиши тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

5-боб. Яқуний қоида

15. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 19 майдаги 378-сон қарорига
2-ИЛОВА

Давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида фаолият юритадиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида фаолият юритадиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларига (кейинги ўринларда таълим муассасаси деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюд-

жетидан субсидиялар(кейинги ўринларда субсидиялар деб аталади) ажратиш тартибини белгилайди.

2. Субсидиялар нодавлат таълим муассасаларига ҳар ойда таълим муассасаларида таълим олаётган ҳар бир бола учун (9 ва 10,5 соатлик иш режимидаги) давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган харажатлар суммасининг қуйидаги миқдорларида ажратилади:

Тошкент шаҳрида — 30 фоиз;

Нукус шаҳри ҳамда вилоят марказларида — 40 фоиз;

қолган ҳудудларда — 50 фоиз.

3. Таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш ва тўлаш мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Субсидияларни ҳисоблаш тартиби

4. Субсидиялар миқдорини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги томонидан давлат мактабгача таълим муассасаларида бир нафар тарбияланувчи учун сарфланадиган харажатлар миқдори аниқланади.

5. Давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммаси бир йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан мактабгача таълим муассасаларининг харажатлар сметалари рўйхатдан ўтказилгандан сўнг уларга ажратилган маблағлар миқдорини умумий болалар сонига бўлган ҳолда аниқланади.

Бунда, бир нафар тарбияланувчи учун сарфланадиган харажатлар суммасини ҳисоблашда «Асосий воситалар бўйича харажатлар», «электр энергия ва табиий газ харажатлари», ихтисослаштирилган ва санатория типидagi мактабгача таълим муассасаларини сақлаш учун режалаштирилган маблағлар ва уларда қатновчи болалар сони ҳисобга олинмайди.

6. Йил давомида қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақи миқдорлари ва шартлари ўзгарган ҳолларда давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммаси миқдори тегишли қисми бўйича қайта кўриб чиқилади.

7. Субсидиялар тегишли молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари параметрларида таълим соҳаси учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари (кейинги ўринларда молия органлари деб аталади) томонидан режалаштирилади.

3-боб. Субсидияларни ажратиш тартиби

8. Таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида келишув имзолаган-

дан сўнг, субсидиялар ажратиш учун жойлашган худудидан келиб чиқиб, молия органларига ариза билан мурожаат қилади.

9. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ариза берувчининг — юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шаклини тасдиқловчи гувоҳнома, тижорат банкидаги ҳисоб рақамлар реквизитлари;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисида имзоланган келишув нусхаси;

таълим муассасасининг қуввати, фаолиятининг бошланиш санаси ва отоналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) тўлови тўғрисидаги маълумотнома.

10. Молия органи таълим муассасасининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, беш иш куни мобайнида унинг мазкур Низомда белгиланган талабларга мослигини ўрганиб чиқади ва аризани қаноатлантириш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва таълим муассасасини субсидиялар ажратиш ёки аризани рад этиш тўғрисида асослантирилган ҳолда ёзма шаклда, шу жумладан электрон ахборот тизими орқали хабардор қилади.

Таълим муассасасига субсидиялар ажратиш молия органи раҳбарининг тегишли буйруғи билан расмийлаштирилади ҳамда буйруқда субсидияни ажратиш даври кўрсатилади.

11. Молия органи томонидан таълим муассасасига субсидия ажратиш таълим муассасаси ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ўртасида субсидияларни ажратиш тўғрисида тузилган битимда кўрсатилган муддат давомида амалга оширилади.

12. Молия органи:

таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан юритиладиган тегишли реестрга киритилмаганлиги;

таълим муассасаси давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги келишувда белгиланган ижтимоий мажбуриятларнинг бажарилмаслиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг тавсиясига кўра субсидия ажратилишини рад этишга ҳақлидир.

13. Таълим муассасаси тегишли туман (шаҳар) молия бўлимларига ҳар ойнинг 5-санасига қадар ўтган ойда таълим муассасасига ҳақиқатда қатнаган болалар сони тўғрисида маълумотни ҳамда таълим муассасасида болалар таъминоти учун ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан тўланган тўлов ҳужжатларини илова қилган ҳолда субсидиялар олиш учун 2-иловага мувофиқ буюртманомани туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари билан келишилган ҳолда тақдим этади. Бунда, ҳисоботга ойнинг камида ярмида қатнаган тарбияланувчилар сони киритилади.

14. Таълим муассасаси томонидан тақдим этилган буюртманомага асосан ҳақиқатда қатнаган тарбияланувчилар сони мазкур Низомнинг 4 — 6-бандларига мувофиқ аниқланган суммага кўпайтирилади.

15. Туман (шаҳар) молия бўлимлари худуддаги таълим муассасалари томонидан тақдим этилган буюртмаларни умумлаштириб, субсидияларни

ажратиш учун мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиладиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг реестрини тузади ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача тегишли вазначилик бўлинмасига тўловни амалга ошириш учун ва юқори турувчи молия органига маълумот учун тақдим этади.

16. Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларига ажратиладиган субсидияларнинг 50 фоизгача бўлган миқдори таълим муассасасининг сўровига кўра олдиндан тўлов шаклида жорий ойнинг 10-санасига қадар, қолган қисми кейинги ойнинг 10-санасигача ажратилиши мумкин.

17. Вазначилик бўлинмаси икки иш куни мобайнида туман (шаҳар) молия бўлимлари томонидан тақдим этилган реестр асосида тегишли таълим муассасасининг тижорат банкларидаги ҳисобварақларига субсидияларни белгиланган тартибда ўтказиб беради.

18. Белгиланган муддатда субсидия олиш учун буюртманом тақдим этмаган таълим муассасасига кечиккан оyi учун субсидия ажратилмайди.

4-боб. Яқуний қоидалар

19. Туман (шаҳар) молия бўлимига субсидияни ажратиш учун тақдим этилган маълумотларнинг асослилиги ва тўғрилигига таълим муассасасининг раҳбари шахсан жавоб беради.

20. Таълим муассасаси томонидан субсидия олиш учун туман (шаҳар) молия бўлимига тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг сохталиги аниқланганда, ушбу муассаса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиладиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг реестридан чиқарилади ҳамда бунинг ҳисобига ортиқча олинган субсидиялар маҳаллий бюджетга қайтарилади.

21. Ойлик субсидия маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ички аудит ва молиявий назорат хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молия назорати органлари томонидан амалга оширилади.

22. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида фаолият юритадиган мактабгача таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низомга
1-ИЛОВА

Давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида фаолият юритаётган нодавлат мактабгача таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш ва тўлаш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъект	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Таълим муассасаси	Субсидиялар ажратиш учун молия органига тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилади.	заруратдан келиб чиқиб
2-босқич	Молия органи	Таълим муассасасининг аризасини ўрганиб чиқади ва аризани қаноатлантириш ёки уни рад этиш бўйича қарор қабул қилади. Қарор қабул қилингандан сўнг таълим муассасасини субсидиялар ажратиш ёки аризани рад этиш тўғрисида ёзма шаклда, шу жумладан электрон ахборот тизими орқали хабардор қилади.	5 иш куни давомида
3-босқич	Таълим муассасаси	Тегишли туман (шаҳар) молия бўлимларига ўтган ойда таълим муассасасига ҳақиқатда қатнаган болалар сони тўғрисида маълумотни ҳамда таълим муассасасида болалар таъминоти учун ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан тўланган тўлов ҳужжатларини илова қилган ҳолда субсидиялар олиш учун буюртманомани беради.	ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача
4-босқич	Туман (шаҳар) молия бўлимлари	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиладиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг реестрини тузади ва тегишли фазначилик бўлинмасига тўловни амалга ошириш учун ва юқори турувчи молия органига маълумот учун тақдим этади.	ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача
5-босқич	Фазначилик бўлинмаси	Тақдим этилган реестр асосида тегишли таълим муассасасининг тижорат банкларидаги ҳисобрақамларига субсидияларни белгиланган тартибда ўтказиб беради.	ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 12-санасигача

Давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида фаолият юритадиган мактабгача таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

20__ йил _____ ойи учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар ажратиладиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг РЕЕСТРИ

Т/р	Субсидиялар ажратиладиган таълим муассасаси номи	Жойлашган ери (почта манзили)	СТИР	Банк реквизитлари	Ҳисобот ойдан олдинги чорақдаги таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммаси	Таълим муассасасига ҳақиқатда қатнаган тарбияланувчилар сони	Ҳисобот ойда ажратилган субсидиялар миқдори
А	1	2	3	4	5	6	7 = 6 x 5
	ЖАМИ:						

Туман (шаҳар) молия бўлими мудири _____ (Ф.И.О)

Туман (шаҳар) молия бўлими бош ҳисобчиси _____ (Ф.И.О)

Ҳазначилик бўлинмаси масъул ходими _____ (Ф.И.О)
20__ йил «__» _____

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУҒИ

423 Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларнинг 2-иловасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПҚ–3494-сон «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 10 июлдаги 90-сон буйруғи (рўйхат рақами 2905, 2017 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 756-модда) билан тасдиқланган Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларнинг 2-иловасига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 апрель,
22-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил
23 апрелдаги 22-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш
учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва
бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага
энг кам талабларнинг 2-иловасига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 66-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	66. Тиббий пахта 100 гр.	гр.	100 гр.	»;
---	--------------------------	-----	---------	----

2. 68 ва 69-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	68. Тиббий бинт (стерил) 5 м х 10 см ёки 7 м х 14 см	дона	2	»;
	69. Тиббий бинт (ностерил) 5 х 10 см ёки 7 м х 14 см	дона	2	

3. 72-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	72. Бир марта ишлатиладиган қўлқоплар	жуфт	20	»;
---	---------------------------------------	------	----	----

4. 76 — 78-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	76. Шприц — 10,0 мл	дона	10	»;
	77. Шприц — 5,0 мл	дона	10	
	78. Шприц — 2,0 мл	дона	10	

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 17 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

425 «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1956-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 29-мх, 17/2, 6/3-сон «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1956, 2009 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 19-20-сон, 245-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мактабгача таълим вазири

А. ШИН

Тошкент ш.,
2018 йил 30 апрель,
20-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 апрель,
10-ққ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

Келишилди:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 30 апрель

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ЗОКИРОВ

2018 йил 30 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

426 **Мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг
ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3012*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мақтабгача таълим вазири

А. ШИН

Тошкент ш.,
2018 йил 30 апрель,
20/1-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 апрель,
10-ққ/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мақтабгача таълим вазирлиги ва
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил
30 апрелдаги 20/1, 10-ққ/1-сон қарорига
ИЛОВА

**Мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг
хаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон «Мақтабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ давлат мақтабгача таълим муассасаларида (бундан буён матнда мақтабгача таълим муассасаси деб юритилади) тарбияланувчиларнинг хаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлашни ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб Умумий қоидалар

1. Мақтабгача таълим муассасасида болаларнинг хаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш мақтабгача таълим муассасасининг педагог ва тиббиёт ходимлари, шунингдек мақтабгача таълим муассасасига худудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

2. Мақтабгача таълим муассасаси раҳбари тарбияланувчиларнинг хаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлашнинг ташкил этилиши учун масъул ҳисобланади.

3. Болаларни мақтабгача таълим муассасаларига қабул қилишда давлат мақтабгача таълим муассасаси раҳбари томонидан боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни мазкур Низом билан таништириш тавсия этилади.

**2-боб. Мақтабгача таълим муассасасида
тарбияланувчиларнинг хаётини муҳофаза қилишни
ташкил этиш**

4. Тарбияланувчиларнинг хаётини муҳофаза қилиш мақсадида мақтабгача таълим муассасасида телефон аппаратлари мавжуд бўлган жойларда, шунингдек барча ходимлар кириши ва кўриши мумкин бўлган жойлардаги

эълонлар тахтасига ёнғин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятлар, тез тиббий ёрдам хизматлари ҳамда ички ишлар органларининг телефон рақамлари кўрсатилган маълумотлар осиб қўйилади.

5. Мактабгача таълим муассасасининг гуруҳ тарбиячисида тарбияланувчиларнинг яшаш манзили, шунингдек уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан боғланиш мумкин бўлган телефон рақамлари ёки бошқа алоқа воситалари ҳақидаги маълумотлар бўлиши зарур.

6. Тарбияланувчи мактабгача таълим муассасасида бўлган вақтда соғлигининг ёмонлашуви, шунингдек бошқа нохуш ҳолатлар кузатилган ҳолларда мактабгача таълим муассасаси ходимлари томонидан зудлик билан тиббиёт ҳамширасига, шунингдек тарбияланувчининг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга хабар берилади. Бунда тарбияланувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар етиб келгунга қадар тиббиёт ходими томонидан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим.

Тарбияланувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсга кузатилган ҳолат ва кўрсатилган биринчи тиббий ёрдам ҳақида тўлиқ маълумот берилади.

7. Тарбияланувчилар мактабгача таълим муассасасида бўлган вақтда уларни ёлғиз ва назоратсиз қолдириш тақиқланади.

8. Тарбияланувчиларни мактабгача таълим муассасаси ҳудудидан ташқарига сайр ёки экскурсияларга олиб чиқиш ички ишлар органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

9. Тарбияланувчилар учун мактабгача таълим муассасаси ҳудудидан ташқарида сайр ёки экскурсиялар режалаштирилганда мактабгача таълим муассасаси раҳбари ҳамда тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар хабардор қилиниши шарт.

10. Тарбияланувчилар мактабгача таълим муассасаси ҳудудидан ташқарига сайр ёки экскурсияларга олиб чиқилганда гуруҳ камида 2 нафар ходим билан таъминланган бўлиши лозим. Бунда ходимларнинг бири сафнинг олдида, иккинчиси сафнинг орқасида ҳаракатланиб боради.

11. Тарбияланувчиларни мактабгача таълим муассасасига олиб келиш ва олиб кетишда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс тарбияланувчини шахсан гуруҳ тарбиячисига топшириши, шунингдек уни олиб кетишда гуруҳ тарбиячиси тарбияланувчини унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсга топшириши лозим.

12. Мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчилар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улар учун зарур шароитлар яратилишини назорат қилиш мақсадида видеокузатув мосламалари ўрнатилиши мумкин.

13. Мактабгача таълим муассасасининг ҳар бир қаватида ҳамма кўриши мумкин бўлган жойларда фавқулодда вазиятлар юз берган ҳолларда тарбияланувчиларни эвакуация қилиш режаси жойлаштирилади.

14. Тунги гуруҳи бўлган мактабгача таълим муассасасининг навбатчиси ёки тунги тарбиячиси ҳар куни соат 19:00 дан 20:00 гача бўлган вақт оралиғида ёнғин хавфсизлиги идораларига мактабгача таълим муассасасида мавжуд болалар ва ходимлар сони ҳақида маълумот беради.

15. Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш мақсадида:

мактабгача таълим муассасаси ҳудудига кириш эшигига қўнғироқ ўрнатилиши;

гуруҳда мавжуд бўлган жавон, илгак, портретлар, шунингдек гул тувакларини жойлаштиришга мўлжалланган махсус мосламалар девор ёки полга маҳкамлаб қўйилиши лозим.

16. Мактабгача таълим муассасаси ҳудудида, шунингдек гуруҳларда инсон учун хавфли бўлган ўсимлик ва буюмлардан фойдаланиш тақиқланади.

3-боб. Мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлашни ташкил этиш

17. Тарбияланувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш давлат мактабгача таълим муассасасининг тиббиёт ҳамшираси ҳамда мактабгача таълим муассасасига ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

18. Гуруҳ тарбиячиси эрталаб тарбияланувчиларни қабул қилиб олгандан кейин, тарбияланувчиларнинг соғлиғи гуруҳ тарбиячилари томонидан ҳамшира назоратида кўрикдан ўтказилади.

19. Ёз мавсумида тарбияланувчилар сайр ва экскурсияларга енгил бош кийимлари бўлган ҳолда олиб чиқилади.

20. Тарбияланувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида мактабгача таълим муассасасида қуёш ванналари, сув ҳавзаларида чўмилиш, турли жисмоний тарбия тадбирлари ташкил этилади. Бунда мазкур тадбирлар гуруҳ тарбиячилари ва тиббиёт ходимлари назорати остида амалга оширилади.

21. Жисмоний тарбия тадбирлари эрталабки бадантарбия ва турли ўйинлар шаклида амалга оширилади.

4-боб. Яқуний қоида

22. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилган.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 30 апрель

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

Б. ЗОКИРОВ

2018 йил 30 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**427 Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб
чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
хақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3013*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига асосан **бюраман:**

1. Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 май,
180-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлиги директорининг 2018 йил
1 майдаги 180-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб
чиқиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни доимий равишда фаолият кўрсатадиган Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан кўриб чиқилиши тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Харид қилиш тартиб-таомилларининг ҳар бир иштирокчиси, шунингдек назоратни амалга ошираётган шахслар (бундан буён матнда аризачи деб

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

юрителиди) давлат буюртмачисининг (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади), харид комиссиясининг, унинг аъзоларининг, махсус ахборот портали операторининг (бундан буён матнда Оператор деб юритилади) ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, агар бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) иштирокчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган бўлса, суд тартибиде ёки Комиссияга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

2. Давлат харидлари натижасида тузилган шартномаларда назарда тутилган мажбуриятларни бажариш доирасида келиб чиқадиган низолар ва келишмовчиликларни тартибга солиш масалалари Комиссия томонидан кўриб чиқилмайди ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилиши лозим.

2-боб. Комиссиянинг вазифалари ва шакллантириш тартиби

3. Комиссия доимий равишда фаолият кўрсатадиган орган бўлиб, ўзининг вазифаларини Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Комиссия:

буюртмачининг қонунга хилоф ҳаракатларига, қарорларига ёки у томонидан қонунга хилоф тартиб-таомиллар бажарилишига доир тақиқ ўрнатади;

буюртмачининг қонунга хилоф қарорларини, шу жумладан давлат харидлари тўғрисидаги ҳужжатлар шартларини бузадиган қарорларини қисман ёки тўлиқ бекор қилади;

харид қилиш тартиб-таомилларини тугатиш ҳақида қарор чиқаради;

ижрочини Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади;

шартнома тузилганидан кейин шартноманинг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текшириш учун шикоятларни кўриб чиқади ҳамда шартнома ижро этилишини етти иш кунигача бўлган муддатга тўхтатиб туради;

мансабдор шахсларни ва фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади.

5. Комиссия Оператор томонидан тузилади, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланади.

6. Комиссия ишчи органининг вазифасини Оператор амалга оширади.

7. Комиссия таркибига:

Комиссия раиси;

Комиссия аъзолари қиради.

8. Комиссия раиси ўз ваколатлари доирасида:

Комиссия фаолиятини ва унинг иш тартибига риоя этилишини ташкил этади;

шикоятларни кўриб чиқиш кунини белгилайди ва Комиссия мажлисини ўтказди;

Комиссия аъзолари ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар устидан назоратни ташкил этади;

Комиссиянинг фаолияти тўғрисида даврий ҳисоботлар тайёрлайди ва уни Ваколатли органга тақдим этади.

Комиссия раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Комиссия раиси комиссияга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

9. Комиссия аъзолари ўз ваколатлари доирасида:

Комиссия ишида иштирок этади;

қарор қабул қилишдаги овоз беришда иштирок этади;

Комиссия раисининг топшириғи бўйича Комиссия кўриб чиқиши учун киритилган масалалар юзасидан тегишли хулосалар тақдим этади;

давлат бошқаруви ва хўжалик органларидан, давлат буюртмачиларидан, иштирокчилардан, ижрочилардан, Оператордан ва бошқа ташкилотлардан ўз фаолияти учун зарур бўладиган ҳар қандай ахборот, материал ва тушунтиришларни сўраб олади;

давлат харидлари масалалари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

10. Комиссия зарур ҳолатларда мутахассисларни мустақил эксперт сифатида овоз бериш ҳуқуқисиз жалб қилиш ҳуқуқига эга.

11. Комиссия мажлислари, агар уларнинг ишида Комиссия аъзолари умумий сонининг учдан икки аъзоси иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

12. Комиссия кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқиш жараёнида Комиссия раисининг ёки аъзосининг манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлиги юзага келган ҳолатда, йиғилиш бошланишидан олдин бу ҳақда маълум қилишга мажбур. Бу ҳолатда Комиссия аъзоси кўрсатилган масалани кўриб чиқиш жараёнида иштирок этмайди.

13. Комиссия мажлислари мажлис баённомаларида расмийлаштирилади.

14. Комиссиянинг ишчи органи:

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

махсус ахборот порталида Комиссия аъзолари учун шахсий кабинетлар очади;

Комиссия ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлайди;

ёзма шаклда берилган шикоятни сканердан ўтказиб, уни Комиссия аъзоларининг шахсий кабинетларига юборади;

навбатдаги мажлисга барча зарур ҳужжатлар йиғилишини, умумлаштирилишини ва Комиссия раисига тақдим этилишини таъминлайди;

Комиссия мажлиси баённомасини юритади.

15. Комиссияга аризачидан шикоят тушгандан ва уни кўриб чиқиш са-

наси тайинлангандан сўнг, Комиссиянинг ишчи органи ушбу Низом талабларига мувофиқ мажлисни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга оширади.

3-боб. Шикоятларни бериш тартиби

16. Аризачи шикоятни Комиссияга ёзма шаклда ёки ўзининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда юборади. Давлат харидлари назоратини амалга оширувчи шахсларнинг шикоятлари Оператор сайти орқали ҳам юборилиши мумкин. Шикоятга унда кўрсатилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

17. Аризачи қўйидаги ҳолатларда шикоят беради:

буюртмачининг, ваколатли органнинг, харид комиссиясининг, унинг аъзоларининг, Операторнинг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ус-тидан, агар бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) иштирокчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган бўлса;

харид қилиш тартиб-таомиллари бузилганда;

буюртмачилар томонидан таклифларни бериш муддатлари асоссиз ўзгартирилганда;

иштирокчининг таклифи буюртмачилар томонидан асоссиз қабул қилинмаганда ёки рад қилинганда;

буюртмачилар томонидан давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланмаган усуллари қонунга хилоф равишда танланганда;

давлат харидларида иштирокчиларнинг иштирок этиши тўғрисидаги ахборотни буюртмачилар томонидан ошкор этилганда;

буюртмачилар томонидан иштирокчилар сонини асоссиз равишда чеклашга ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни оширишга, рақобатга йўл қўймасликнинг, уни чеклашнинг ёки бартараф этишнинг бошқа шаклларига йўл қўйилганда, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида иштирокчилар олдиндан тил бириктирганда;

ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборот тақдим этилганда ёки тарқатилганда, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш асоссиз равишда чекланганда;

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган бошқа ҳолатларда.

4-боб. Шикоятларни кўриб чиқиш тартиби

18. Комиссия шикоятни кўриб чиқишда иштирок этадиган шахсларни (бундан буён матнда тарафлар деб юритилади) махсус ахборот портали орқали йиғилиш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Агар белгиланган вақтда тарафлар мажлисда қатнашмаса, шикоят уларнинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

19. Шикоятларни кўриб чиқиш бўйича мажлисда иштирок этиш учун тарафлар белгиланган тартибда ишончнома расмийлаштириб, ўзларининг вакиллари юборишлари мумкин.

20. Комиссия шикоят олганда, шикоят келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида бу ҳақда давлат буюртмачисини хабардор қилади ва харид қилиш тартиб-таомилини ўн кунгача бўлган умумий муддатга тўхтатиб туради.

21. Аризачининг шикоятида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) номи, жойлашган ери (юримдик шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми, турган жойи (жисмоний шахс учун), почта манзили, электрон почта манзили, телефон рақами;

б) шикоят қилинаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва шикоятнинг бошқа асослари;

в) шикоят беришга ваколатли шахсининг имзоси ва сана.

22. Шикоятга унинг асослилигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Бунда, шикоятда унга илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати бўлиши керак, шунингдек тарафларга шикоятнинг нусхалари юборилганлиги тасдиғи бўлиши керак.

23. Комиссия давлат харидлари тўғрисидаги шикоятни олган кундан эътиборан етти иш куни ичида кўриб чиқади ва қарор чиқаради.

24. Шикоят бўйича қарор Комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинган қарор бўйича ўзининг алоҳида фикрини ёзма баён этишга ҳақли.

25. Комиссия янги очилган ҳолатлар асосида аввал қабул қилинган қарорларини қайта кўриб чиқиши мумкин.

26. Комиссия мажлислари қарорларининг асл нусхалари ва уларга илова қилинган материаллар Комиссиянинг ишчи органида сақланади.

27. Комиссиянинг ишчи органи қарор нусхаларини қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида тарафларга юборади.

28. Комиссия қароридан норози бўлган тақдирда, тарафлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

29. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари тарафлар учун бажарилиши мажбурийдир.

30. Комиссия мажлиси баёни ва қарори электрон шаклда расмийлаштирилади, Комиссия раиси ва аъзолари томонидан электрон рақамли имзо орқали имзоланади.

5-боб. Яқуний қоида

31. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

428 «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941-1

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарога мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 24 ноябрдаги 110-сон «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1941, 2009 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009 й., 16-сон, 206-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 4 апрель,
70-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 4 апрелдаги
70-сон буйруғига
ИЛОВА

**Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш
органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет
харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет
харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақида низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқда:

- 1) номидан ва 1-банддан «бюджет» деган сўз чиқариб ташлансин;
- 2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **бююраман:**»;

2. Низомда:

- 1) номидан «бюджет» деган сўз чиқариб ташлансин;
- 2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси корхоналари, ташкилотлари, муассасалари ҳамда ҳарбий қисмлари харажатлари, шунингдек махфий хусусиятга эга харажатлари бўлган бошқа бюджет ташкилотларининг (кейинги ўринларда — бюджет ташкилотлари) махфий харажатларининг ғазна ижроси тартибини белгилайди.»;

3) 1-банддаги «Бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар (кейинги ўринларда — мол етказиб берувчилар) билан шартномаларини рўйхатга олиш» деган сўзлар «Бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар (кейинги ўринларда — мол етказиб берувчилар) билан шартномаларини рўйхатга олиш (ҳисобга олиш)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «ғазначилик бўлинмалари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг» деган сўзлар «ғазначилик бўлинмалари, бюджет ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Бюджетдан маблағ олувчилар» деган сўзлар «Бюджет ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 3 ва 13-бандлардаги «бюджетдан маблағ олувчилар» деган сўзлар «бюджет ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Бюджет ташкилотларининг махфий характерга эга бўлган харажатлари Молия вазирлигининг Ягона ғазна ҳисобварағидан (кейинги ўринларда — ЯҒХ) мазкур Низом талаблари доирасида тўланади.

Бунда бюджет ташкилотларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларини нақд пулда олиш учун уларнинг тегишли банклардаги 23404, 23432, 23430, 23426 баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади.»;

7) қуйидаги мазмундаги 4¹ — 4⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

«4¹. Бюджет ташкилотлари 23404, 23432, 23430, 23426 баланс ҳисобварақларидан мажбурий тўловларни амалга ошириш ва нақд пул маблағлари олиш учун тегишли банкка тўлов ҳужжати ва чек тақдим қилиш йўли билан маблағларни тасарруф қиладилар.

Бунда ушбу ҳисобварақларда ишлатилмаган маблағлар молия йили мобайнида ЯҒХга қайтарилиши лозим.

4². ЯҒХдан харажатлар Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи 4821190 харажатлар моддасида акс эттириш орқали амалга оширилади.

Бунда бюджет ташкилотлари харажатларининг ғазна ижроси назорати Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ тузилган харажатлар сметасининг чораклик ажратилган маблағлари доирасида алоҳида ахборот тизимда амалга оширилади.

4³. Бюджет ташкилотлари тўловларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларида (рўйхат рақами 2850, 2016 йил 22 декабрь) белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларига имзолар намуналари ва муҳр изи карточкаси тақдим этадилар.

4⁴. Молия йилига қўшимча даврда ва жорий молия йилида ўтган молия йилининг кредитор қарздорликларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларида (рўйхат рақами 2850, 2016 йил 22 декабрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.»;

8) 5, 6, 7, 10, 14, 19, 21, 34, 35, 36, 38, 40, 41, 42, 49, 62, 66 — 77, 80 — 85-бандлар, III боб, 4 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

9) II боб номидаги «Бюджетдан маблағ олувчилар» деган сўзлар «Бюджет ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 8 ва 9-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Бюджет ташкилотлари ёки молия органлари томонидан тегишли молия органларида ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган якка тартибдаги ва умумий харажатлар сметаси ҳамда уларга ўзгартиришлар ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилади.

Бунда молия органлари томонидан тақдим қилинган харажатлар сметасига ўзгартиришлар назорати ғазначилик бўлинмалари томонидан чораклик ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

9. Ғазначилик бўлинмалари томонидан юридик мажбуриятларни рўйхатга

олиш (ҳисобга олиш) ва касса харажатларини амалга ошириш фақат уларга бюджет ташкилотлари харажатлар сметаларини тақдим қилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.»;

11) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ҳазначилик бўлинмалари бюджет ташкилотларининг мол етказиб берувчилар билан шартномалар тузиши ва улар томонидан Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифининг тегишли моддалари бўйича кредиторлик қарзларни ҳисобга олган ҳолда, харажатлар сметасида ажратилган чораклик маблағлар доирасида амалга оширилиши устидан назорат қилади.»;

12) 15-банддаги «бюджетдан маблағ олувчиларнинг» ва «бюджетдан маблағ олувчилар» деган сўзлар тегишлича «бюджет ташкилотларининг» ва «бюджет ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 16 — 18-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Қабул қилинган юридик мажбуриятларнинг ажратилган маблағлар суммасидан, шунингдек касса харажатларининг аниқланган маблағлари суммасидан ортиқча амалга оширилишига олиб келадиган миқдорда маблағларини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, ажратиладиган маблағларининг камайтирилиши томонлар юридик мажбуриятини ўзаро камайтирган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ажратилган маблағлар қўпайтирилгандан сўнг, бюджет ташкилотлари ва уларнинг мол етказиб берувчилари ўртасида тузилган хўжалик шартномаларига томонларнинг юридик мажбуриятлари айнан бир хилда қўпайтирилишини кўзда тутадиган ўзгартиришлар киритиш мумкин.

17. Бюджет ташкилотлари ташаббуси билан харажатлар сметаларига киритилаётган камайтиришларнинг ҳазначилик бўлинмалари билан келишуви қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) бюджет ташкилоти тегишли хат билан хизмат кўрсатувчи ҳазначилик бўлинмасига харажатлар сметасига ўзгартириш сўровини (кейинги ўринларда — сўров) тақдим қилади;

2) ҳазначилик бўлинмаси:

тузилган ва рўйхатга олинган (ҳисобга олинган) шартномалар (касса харажатлари) суммаларини тақлиф қилинаётган аниқликларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган (тақлиф қилинаётган) маблағлар суммаларидан ошмаганлиги бўйича сўровни текширади;

камайтириш режалаштириладиган маблағлар бўйича бюджет ташкилотининг тегишли харажатлар моддалари бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) ва харажатлар тўловларини амалга оширишни ваколатли орган томонидан бюджет ташкилотининг харажатлар сметасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги тегишли қарори қабул қилингунга қадар (камайтириш кўзланаётган суммалар қисмида), тўхтатиб қўяди;

бир иш кунидан ошмаган муддатда сўровга «КЕЛИШИЛДИ» штамп, имзо ва рўйхатга олинган сана қўйилган ҳолда бюджет ташкилотига қайтарилади;

3) ҳазначилик бўлинмасига келишув учун тақдим қилинган ўзгартириш

сўрови асосли сабабларга кўра қондирилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, фазначилик бўлинмаси бир кун муддатда қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда қайтаради.

18. Бюджет ташкилоти келишилган сўровни олгандан сўнг икки иш куни мобайнида уни ажратилган бюджет маблағларини бош тақсимловчиси орқали тегишли молия органига юборади.

Молия органи ўзгартириш киритишни рад қилган ҳолатда, бюджет ташкилоти мажбуриятлар олиш ва харажатларни амалга ошириш тўхтатиб қўйилишини бекор қилиш учун тегишли молия органининг хатини илова қилган ҳолда хизмат кўрсатувчи фазначилик бўлинмасига хат юборади.»;

14) 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган маблағларига камайтиришлар киритилиши зарур бўлганда, мазкур Низомнинг 17-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, молия органлари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига ўрнатилган тартибда киритилаётган ўзгартиришларни фазначилик бўлинмасига улар тузилган кундан сўнг икки иш кунидан кечикмаган муддатда келишиш учун тақдим қилади (тақдимнома, маълумотнома-билдиришнома ва бошқалар).»;

15) 22 — 24-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Фазначилик бўлинмалари мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган, таклиф қилинаётган ўзгартиришларни киритиш мумкинлиги юзасидан тегишли бюджетларда турувчи бюджет ташкилотлари бўйича амалга оширилган касса харажатлари, шунингдек банд қилинмаган юридик мажбуриятларни тасдиқланган маблағлар билан солиштириш орқали кўриб чиқади.

Бунда ҳудудларда жойлашган, республика бюджетидан маблағ олувчи бюджет ташкилотлари ўзгартириш бўйича юқорида кўрсатилган ҳужжатларни жойлардаги тегишли фазначилик бўлинмасига тақдим қилади.

23. Текширувлар ижобий натижалар берганда ва кўрсатилган харажатлар турлари бўйича харажатлар сметасига таклиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони мавжуд бўлганда, фазначилик бўлинмалари:

фазначиликнинг дастурий мажмуида камайтирилиши кўзланаётган тегишли бюджет ташкилотларининг кейинги юридик мажбуриятларини рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) ва касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўяди;

ҳужжатлар тақдим қилинган куннинг кейинги кунидан кечикмаган муддатда, ижобий хулосани тақдим қилинган ҳужжатлар билан биргаликда тегишли молия органига йўллайди.

Бунда фазначилик бўлинмалари томонидан юридик мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек бюджет ташкилотларининг кейинги касса харажатларини амалга оширишни тўхтатиб қўйишни бекор қилиш молия органлари томонидан фазначилик бўлинмаларига, фазначилик бўлинмалари билан ўрнатилган тартибда келишилган асосда барча тасдиқланган ва рўйхатга олинган, бюджет ташкилотларининг тасдиқланган тегишли якка тартибдаги сметаларига киритилган ўзгартиришлар рўйхати нусхалари тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади.

24. Юридик мажбуриятлар билан банд бўлмаган ажратилган маблағлар мавжуд бўлмаганда ҳамда молия органларига тақдим қилинган ҳужжатларда тақлиф қилинаётган ўзгартиришлар киритишнинг имкони бўлмаган ҳолларда, ғазначилик бўлинмалари уларни молия органлари томонидан ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб икки иш кунидан кечикмаган муддатда, тақлиф қилинаётган ўзгартиришларни киритиш имкони йўқлиги сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма хулоса тузади ва молия органига қайтаради.»;

16) 25-банддаги «бюджетдан маблағ олувчиларнинг тасдиқланган бюджетдан ажратилган» деган сўзлар «бюджет ташкилотларининг тасдиқланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) IV боб номидаги «рўйхатга олиш» деган сўзлар «рўйхатга ва ҳисобга олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 31-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Бюджетдан маблағ олувчиларнинг» деган сўзлар «Бюджет ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 32 ва 33-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«32. Ғазначилик бўлинмалари томонидан бюджет ташкилотларининг шартномалари:

бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича — рўйхатдан ўтказилади; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари бўйича — ҳисобга олинади.

33. Бюджет ташкилотлари томонидан юридик мажбуриятларнинг қабул қилиниши, уларнинг харажатлар сметаларида Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифининг тегишли моддалари бўйича кўзда тутилган, ажратиладиган маблағлари ҳажми доирасида амалга оширилади.»;

20) 37-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«37. Бюджет ташкилотлари томонидан ташқи қарзларнинг жалб қилиниши, ссуда ва кредитлар олиниши, шунингдек бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига лизинг шартномаларини тузиш тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.»;

21) 43-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«43. Бюджет ташкилотларининг ички хўжалик юритувчи бўлинмалари томонидан товарлар етказиб бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг кир ювиш бўлинмалари, меҳмонхоналари, таъмирлаш-қурилиш гуруҳлари (бригадалари) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ёрдамчи хўжаликлари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан ички хўжалик шартномалари ва тўловларни амалга ошириш учун асос бўладиган, ички хўжалик шартномалари бўйича товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бунда бюджет ташкилотлари томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар асосида тўловларни ўтказиш ғазначилик бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг, қоидага

кўра, бюджетдан ташқари ҳисобварақларига кейинчалик уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ кўзда тутилган мақсадларга ишлатиш билан амалга оширилади.»;

22) 44-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Шартномалар тузмасдан, мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шакл бўйича икки нусхада Сўровнома ва тўлов топшириқномалари асосида маблағлар қўйидагиларга:»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«капитал қўйилма буюртмачиларининг буюртмачи хизматини сақлаб туришга маблағларни ўтказиш.»;

23) 45-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Бюджет ташкилотлари сўмдаги қийматига қайта ҳисобланган, чет эл валютасидаги импорт қилинаётган товар-моддий бойликлар учун шартномалар тузишда юзага келиши мумкин бўлган курс фарқини қоплаш учун етарли маблағлар захирасини кўзда тутишлари шарт.

Юзага келиши мумкин бўлган курс фарқини қоплаш учун етарли маблағларнинг захираси ҳар бир шартнома бўйича яқка тартибда бюджет ташкилотлари ва фазначилик бўлинмалари томонидан, зарур бўлганда — тегишли молия органи иштирокида шартноманинг тузилган санаси, кўзда тутилаётган муддатлари ва валюта курсининг кутилаётган ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда аниқланади.»;

24) 47-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Бюджет ташкилотларининг мол етказиб берувчилар билан тузган шартномалари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, томонларнинг юридик хизматлари (жалб қилинган адвокатлар) томонидан мажбурий тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширилиши шарт.

Бунда шартномаларда томонлар юридик хизматларининг ёки жалб қилинган адвокатларнинг имзоси бўлиши шарт.»;

25) IV бобнинг 2-параграф номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2-§. Юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш (махфий харажатларсиз)»;

26) 50 — 55-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50. Бюджет ташкилотлари ва мол етказиб берувчилар билан бюджет маблағлари ҳисоби қисмидан тузилган шартномалар, фақат уларнинг фазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинганидан сўнг кучга киради.

51. Бюджет ташкилотлари билан мол етказиб берувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар тегишли фазначилик бўлинмаларида уларга берилган тегишли рақам ва рўйхатга олинган (ҳисобга олинган) сана кўрсатилган ҳолда мажбурий рўйхатга олинishi (ҳисобга олинishi) лозим.

52. Бюджет ташкилотлари фазначилик бўлинмаларига шартномани

рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) учун шартноманинг икки асл нусхаси ва битта кўчирма нусхаси билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тўлов жадвали;

шартнома суммаси энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этганида буюртмачи томонидан тузиладиган танлов комиссияси баённомаси нусхаси;

шартнома суммаси энг кам иш ҳақининг олти минг бараваридан ортиқ миқдорни ташкил этганида қонун ҳужжатларига мувофиқ тендер комиссияси баённомаси нусхаси;

агар шартнома ваколатли давлат органининг қарорига мувофиқ танлов (тендер) савдоларисиз тузилган бўлса, мазкур қарорнинг нусхаси;

тегишли фаолият тури учун лицензиянинг ёки рухсатнома тусидаги ҳужжатнинг нусхаси (товарларни етказиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни ёки рухсатнома тусидаги ҳужжат олишни талаб қилса).

Шунингдек, қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) капитал қўйилма харажатлари бўйича:

манзилли рўйхат (лойиҳа-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) нусхаси;

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, ҳисоб-китоб (смета) қиймати 2,0 млрд сўм ва ундан ортиқ бўлган ижтимоий ва фуқаро объектлари бўйича қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли рўйхатларининг Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари мавжуд бўлган объектлар бундан мустасно);

объектларни параллел равишда лойиҳалаштириш билан бир вақтда қуриш ва реконструкция қилишда ваколатли давлат органининг қарори нусхаси;

б) автотранспорт, машина, техника ва ускуналарни жорий, ўрта ва мукамал таъмирлаш ҳолларида нуқсон далолатнома нусхаси;

в) бино ва иншоотларни жорий ва ўрта таъмирлашда бажариладиган ишлар суммаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг юз бараваридан ошган ҳолларда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисида хулоса нусхаси;

г) бинолар, иншоотлар ва ички хўжалик йўлларини мукамал таъмирлашда:

бинолар, иншоотлар ва ички хўжалик йўлларини мукамал таъмирлаш манзилли рўйхати нусхаси;

лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлиги бўйича хулоса нусхаси.

53. Ҳазначилик бўлинмаси бюджет ташкилоти томонидан шартнома тақдим қилинган кундан бошлаб уч иш куни давомида шартномада кўрсатилган суммани бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кўзда тутилган тегишли режали ажратилган маблағларнинг мавжудлигини текширади.

Агар тузилган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маб-

лағлари суммаси бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кўзда тутилган тегишли режали ажратилган маблағлар суммасидан ошса, ушбу шартнома бюджет ташкилотига уни ғазначилик бўлинмаси томонидан рўйхатга олинмасдан (ҳисобга олинмасдан) қайтарилади.

54. Шартномаларни рўйхатга олиш, шартноманинг иккита асли ва нусхасининг барча варақларига рўйхатдан ўтказиш рақами ва санасини кўрсатиб «Рўйхатдан ўтказилди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш, шунингдек ғазначилик бўлинмасининг ваколатли шахси томонидан шахсий имзосини ва «Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш» муҳрини қўйиш йўли орқали амалга оширилади.

Шартномаларни ҳисобга олиш, шартноманинг иккита асли ва нусхасининг барча варақларига ҳисобга олиш рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Шартнома бўйича тўловлар шахсий ғазна ҳисобварағи қолдиғи доирасида амалга оширилади» ёзуви билан «Ҳисобга олинди» штампини ва шахсий имзосини қўйиш ҳамда ваколатли шахс томонидан шахсий имзосини қўйиш йўли орқали амалга оширилади.

Рўйхатга ва ҳисобга олинганидан сўнг шартноманинг кўчирма нусхаси ғазначилик бўлинмасида ҳисоб юритиш ва сақлаш учун қолдирилади.

55. Шартномалар ҳисоби Ғазначилик дастурий мажмуида электрон тарзда бюджет ташкилоти ва мол етказиб берувчининг номи ва реквизитлари, шунингдек шартнома суммаси, унинг рақами ва тузилган санаси, ғазначилик бўлинмаси томонидан уни рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан тузган шартномаларини рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) Китобида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича амалга оширилади.»;

27) IV бобнинг 3-параграф номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3-§. Махфий харажатлар бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш (ҳисобга олиш)»;

28) 56 — 61-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«56. Махфий харажатлар бўйича юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) учун бюджет ташкилоти томонидан ғазначилик бўлинмасига шартноманинг асл нусхаси, мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шакл бўйича икки нусхада сўровнома ҳамда мазкур Низомнинг 52-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим қилинади.

57. Ғазначилик бўлинмасининг масъул ходими бюджет ташкилотининг ваколатли вакили иштирокида сўровномада кўрсатилган маълумотларни шартноманинг асл нусхасида кўрсатилган маълумотлар билан, шунингдек мазкур Низомнинг 52-бандида кўрсатилган ҳужжатларни шартнома билан солиштиради.

Барча солиштиришлар тугаганидан сўнг шартнома ва унга илова қилинган мазкур Низомнинг 52-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар бюджет ташкилотининг ваколатли вакилига қайтарилади.

Газначилик бўлинмаси ходимлари томонидан тақдим қилинган шартноманинг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусхасидан нусха олиш қатъиян ман қилинади.

58. Тақдим қилинган сўровномада хато ва (ёки) камчиликлар мавжуд бўлмаган ҳолда сўровномада кўрсатилган шартномани рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) бўйича кейинги тадбирларни амалга ошириш учун сўровнома қабул қилинади.

Акс ҳолда, сўровнома бюджет ташкилотига мавжуд хато ва (ёки) камчиликларни бартараф қилиш учун қайтарилади.

59. Газначилик бўлинмаси бюджет ташкилоти томонидан сўровномани қабул қилган кундан бошлаб уч иш куни давомида шартномада кўрсатилган суммани бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кўзда тутилган тегишли режали ажратилган маблағларининг мавжудлигини текширади.

Агар сўровнома ва тузилган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммаси бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кўзда тутилган тегишли режали ажратилган маблағлар суммасидан ошса, ушбу шартнома газначилик бўлинмасида рўйхатга олинмайди (ҳисобга олинмайди), тегишли сўровнома эса бюджет ташкилотига қайтарилади.

60. Махфий харажатлар бўйича шартномаларни рўйхатга олиш (ҳисобга олиш), сўровномалар асосида сўровномаларнинг олд томонига «Рўйхатдан ўтказилди» («Ҳисобга олинди») штамп қўйилган ва рўйхатга олинган (ҳисобга олиш) рақам ва санаси кўрсатилган кундан бошлаб уч иш куни давомида газначилик бўлинмасининг мансабдор шахси ўзининг шахсий имзоси ва газначилик бўлинмасининг муҳр изи билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

Рўйхатга олингандан (ҳисобга олингандан) сўнг сўровноманинг икки нусхаси бюджет ташкилотига қайтарилади, бир нусхаси эса газначилик бўлинмасида ҳисоб юритиш ва сақлаш учун қолдирилади.

61. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг Захира жамғармалари ҳисобидан махфий характерга эга бўлган харажатлар тўловлари бюджет ташкилотларининг сўровномаси бўйича мазкур Низомда бюджет ташкилотларининг махфий харажатларини амалга ошириш учун кўзда тутилган тартиб билан бир хилда амалга оширилади.»;

29) V бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«V. Бюджет ташкилотлари томонидан қабул қилинган молиявий мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошириш»;

30) 63-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«63. Бюджет ташкилотлари томонидан иккинчи тараф олдида молиявий мажбуриятлар уларга етказиб бериладиган товар (иш, хизмат)лар учун ўтказилиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар бўйича қарздорлик асосида қабул қилинади.»;

31) V бобнинг 2-параграф номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2-§. Махфий харажатлар бўйича тўловларни амалга ошириш»;

32) 65-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«65. Махфий харажатлар бўйича тўловларни амалга ошириш учун бюджет ташкилотлари томонидан ғазначилик бўлинмаларига тўлов хужжатлари ҳисобварақ-фактура билан бирга тақдим қилинади.

Бунда ҳисобварақ-фактура ғазначилик бўлинмаси томонидан юридик мажбуриятга мувофиқлигига текширилади ва бюджет ташкилотига қайтариб берилади.

Ҳисобварақ-фактуралардан нусха олиш ва ғазначилик бўлинмасида сақлаш қатъиян ман этилади.»;

33) қуйидаги мазмундаги 65¹ — 65³-бандлар билан тўлдирилсин:

«65¹. Бюджет ташкилотлари томонидан тўлов хужжатларининг тақдим қилиниши ва ғазначилик бўлинмаларида расмийлаштирилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларининг (рўйхат рақами 2850, 2016 йил 22 декабрь) 1 ва 2-иловаларидаги шакллар ва 183 — 186-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда бюджет ташкилоти томонидан тақдим қилинадиган тўлов хужжатларининг тўлов мақсадида тегишли шахсий ғазна ҳисобварақ рақами, ташкилот номи, СТИР, бюджет таснифига мувофиқ харажатлар моддаси ҳамда юридик ва молиявий мажбурият санаси ва тартиб рақами кўрсатилади.

65². Тўловлар амалга ошириб бўлинганидан сўнг тўлов хужжатларининг биринчи ва иккинчи нусхалари ғазначилик бўлинмаларининг тегишли бўлимларида сақланади.

65³. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича маблағлар харажатлар сметасининг тегишли моддасида назарда тутилган маблағлар доирасида уларнинг тегишли банклардаги 23404, 23432, 23430, 23426 баланс ҳисобварақларига ўтказилади.

Бунда тўлов хужжатининг ғазначилик бўлинмаларида қолдириладиган биринчи ва иккинчи нусхаларининг тўлов мақсадида «Махфий» ёзуви ёзилади, бюджет ташкилотларига мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган шаклдаги кўчирма билан қайтариб бериладиган учинчи нусхасида тегишли харажат моддалари ва уларнинг суммалари кўрсатилади.»;

34) V бобнинг 4-параграф номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4-§. Махфий бўлмаган харажатлар бўйича тўловларни амалга ошириш»;

35) 78 ва 79-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«78. Ғазначилик бўлинмаси бюджет ташкилотларининг тўлов топшириқномалари асосида ғазна ҳисобварақларидан харажатлар тўловини бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларининг тегишли моддаларида кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширади.

79. Бюджет ташкилотларининг харажатлари тўлови тўлов топшириқномалари асосида қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

бюджет ташкилотларининг тегишли моддалари бўйича маблағлар қолдиқлари суммалари доирасида;

агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма фазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган (ҳисобга олинган) шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммасидан ошмаса;

ҳисобварақ-фактура ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлганда ва бюджет ташкилотининг мол етказиб берувчи олдидаги қарздорлигини, шунингдек бюджет ташкилотининг мол етказиб берувчига аванс тўловлари ўтказишини мажбурловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида;

тўлов топшириқномасида кўрсатилган мол етказиб берувчининг, шунингдек бюджет ташкилотининг номи ва реквизитлари шартнома ва ҳисобварақ-фактураларда ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларда мол етказиб берувчининг, шунингдек, бюджет ташкилотининг номи ва реквизитлари мувофиқ бўлганида.»;

36) Қўйидаги мазмундаги 79¹ ва 79²-бандлар билан тўлдирилсин:

«79¹. Бюджет ташкилотлари томонидан тўлов ҳужжатларининг тақдим қилиниши ва фазначилик бўлинмаларида расмийлаштирилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг фазна ижроси қоидаларининг (рўйхат рақами 2850, 2016 йил 22 декабрь) 1 ва 2-иловаларидаги шакллар ва 183 — 186-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда бюджет ташкилоти томонидан тақдим қилинадиган тўлов ҳужжатларининг тўлов мақсадида тегишли шахсий фазна ҳисобварақ рақами, ташкилот номи, СТИР, бюджет таснифига мувофиқ харажатлар моддаси ва юридик ва молиявий мажбурият санаси ва тартиб рақами кўрсатилади;

79². Тўловлар амалга ошириб бўлинганидан сўнг тўлов ҳужжатларининг биринчи ва иккинчи нусхалари фазначилик бўлинмаларининг тегишли бўлимларида сақланади.»;

37) 86-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Бюджетдан маблағ олувчиларнинг» деган сўзлар «Бюджет ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

38) 87-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«87. Фазначилик бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ зарур махфийлик режимига риоя қилиш, мазкур Низом талабларига мувофиқ рўйхатга олинган (ҳисобга олинган) шартномаларнинг бюджет ташкилотлари харажатлари сметасида кўзда тутилган маблағларга мувофиқлиги ва бюджет ташкилотлари харажатлари тўлови устидан назоратнинг тўғри амалга оширилиши учун жавобгардирлар.»;

39) 1, 2 ва 3-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

40) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 4-иловасига мувофиқ таҳрирда 4-илова билан тўлдирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2018 йил 4 апрель

Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг фазна ижроси тартиби ҳақида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
1-ИЛОВА

«Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган харажатларнинг фазна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

_____ ва _____ билан _____ умумий суммаси
20__ й. «_____» _____-сон _____ шартнома
(юридик мажбурият)га

(сўмда)

20__ йил ойлар номи	Харажатлар тури (моддалар)			Жами
	
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича				

Жами _____ сўм (_____)
(сумма сўз билан)

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан _____ % 20 _____ йил _____ ойида тўланиши лозим.

(*) Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ % жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойлик равишда олдиндан тўланиши лозим.

М.Ў. Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бош ҳисобчи _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Ҳазначилик бўлинмаси
ходими қабул қилди
20__ й. «__» _____
(имзо) _____

Бюджет ташкилоти
ходими қабул қилди
20__ й. «__» _____
(имзо) _____

** ушбу сатр бюджет ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергияси етказиб бериш, коммунал хизматлар кўрсатиши, алоқа хизмати ва бошқа шунга ўхшаган ҳар ой кўрсатиладиган хизматлар кўрсатиши учун шартномалар бўйича ҳар ойлик муддатда ва миқдорларда олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолатларда тўлдирилади.»*

Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси тартиби ҳақида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
2-ИЛОВА

«Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган харажатларнинг газна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Бюджет ташкилотларининг мол етказиб берувчилар билан тузган шартномаларини (юрidik мажбуриятларни) рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) КИТОБИ

Т/р	Шартнома(юрidik мажбурият) рақами ва санаси	Номи ва реквизитлари		Шартнома (юрidik мажбурият)нинг рўйхатга олинган (ҳисобга олинган) рақами ва санаси	Суммаси (сўмда)
		бюджет ташкилоти	мол етказиб берувчининг		
1.					
2.					
...					

».

Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг ғазна ижроси тартиби ҳақида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
3-ИЛОВА

«Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган харажатларнинг ғазна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) учун СЎРОВНОМА

_____ -сон 20__ й. «__» _____
20__ й. _____ га

Бюджет ташкилоти номи _____
СТИР _____
Шахсий ҳисобварағи _____

Юридик мажбурият рақами	Юридик мажбурият санаси	Тўловни олувчининг номи	Тўловни олувчининг банк реквизитлари (шахсий ғазна ҳисобварағи)	Суммаси (сўмда)

М.Ў. Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
Бош ҳисобчи _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.) ».

Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси тартиби ҳақида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
4-ИЛОВА

«Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган харажатларнинг газна ижроси тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

шахсий ҳисобварағидан кўчирма

(бюджет ташкилотининг номи)

Шаклланган сана 20__ й. «__» _____

Аввалги кўчирма санаси 20__ й. «__» _____

Шахсий ҳисобварағи _____

Т/р	Ҳисоб рақам	МФО	Ҳужжат рақами	Дебет айланмаси	Кредит айланмаси	Масъул ходим
1.						
2.						
....						
Жами айланмалар						

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

429 «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 574-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1993 йил 23 июндаги 76-сон «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 574, 1998 йил 21 декабрь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 апрель,
14/16-сон

Келишилган:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 14 апрель

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**430 Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2326-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 14 февралдаги 39-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2326, 2012 йил 14 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 7-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баён-нома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»-да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазирнинг биринчи
ўринбосари**

Н. ЖҰРАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 май,
286-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 15 майдаги
286-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти
органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган
ҳисобини юритиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддимадаги «2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги» деган сўзлар «2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Давлат бошқаруви органларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бевосита ушбу ташкилотлар фаолиятига тегишли соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади.

Давлат бошқаруви органларининг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш ихтиёрий бўлиб, тегишли давлат бошқаруви органи раҳбарининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.»

3. 3-бандда:

биринчи хатбошисидаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қишлоқ хўжалиги (Тошкент шаҳар ҳокимлигидан ташқари);»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур бандда кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида уларнинг ўзлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг, шунингдек тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари қарорларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади.»

4. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Туман (шаҳар) ҳокимликларида тегишинча туман (шаҳар) ҳокимининг, туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг, вилоят ҳокимининг ҳамда вилоят халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилади.»

5. 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 18-банддаги «2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сонли» деган сўзлар «2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

431 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3014*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 апрель,
14/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
14 апрелдаги 14/1-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Рес-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 майда эълон қилинган.

публикаси Марказий банкининг (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини банклар томонидан айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

эски намунадаги тангалар — Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган 2001-2002 йиллар намуналаридаги 50 сўмлик, 2004 йил ва 2009 йил намуналаридаги 100 сўмлик тангалар;

эски намунадаги банкнотлар — Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган 1994 йил намунасидаги 50 сўмлик ва 100 сўмлик, 1997 йил намунасидаги 200 сўмлик, 1999 йил намунасидаги 500 сўмлик банкнотлар;

янги намунадаги тангалар — Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган 2018 йил намунасидаги 50 сўмлик, 100 сўмлик, 200 сўмлик ва 500 сўмлик тангалар;

айирбошлаш кассалари — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармалари (бундан буён матнда МБББ деб юритилади) Ҳисоб-китоб касса марказларида, тижорат банклари ва уларнинг филиалларида ташкил этиладиган эски намунадаги тангалар ва банкнотларни янги намунадаги тангаларга ва муомаладаги банкнотларга айирбошлаб берадиган кассалар.

2. Муомаладан қайтариб олинadиган эски намунадаги танга ва банкнотларнинг муомалада бўлиш муддатлари қуйидагича:

2001-2002 йиллар намуналаридаги 50 сўмлик, 2004 ва 2009 йил намуналаридаги 100 сўмлик тангалар ҳамда 1994 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик банкнотлар учун 2019 йил 1 июлгача;

1997 йил намунасидаги 200 сўмлик, 1999 йил намунасидаги 500 сўмлик банкнотлар учун 2020 йил 1 июлгача.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб чиқарилган 2011 йил намунасидаги қиймати 500 сўм бўлган тангалар қонуний тўлов воситаси ҳисобланиб, айирбошлаб берилмайди.

4. Марказий банк томонидан эски намунадаги танга ва банкнотларни айирбошлаш учун белгиланган муддатлар тугаганидан сўнг, улар қонуний тўлов воситаси бўлиб ҳисобланмайди.

2-боб. Эски намунадаги тангаларни муомаладан қайтариб олиш

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан янги намунадаги 50, 100, 200, 500 сўмлик тангалар муомалага чиқарилган кундан бошлаб, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари кассаларига келиб тушган 2001-2002 йиллар намуналаридаги 50 сўмлик, 2004 ва 2009 йил намуналаридаги 100 сўмлик тангаларнинг қайта муомалага чиқарилиши тақиқланади.

6. МБББ Ҳисоб-китоб касса марказлари, барча тижорат банклари ва уларнинг филиаллари мижозлар, шу жумладан аҳоли томонидан топширилган эски намунадаги тангаларни (шу жумладан, нуқсонли тангаларни) ҳеч қандай монеликсиз, чекловларсиз қабул қилишлари ва ҳеч қандай тўлов ёки воситачилик ҳақи ундирмаган ҳолда уларни айирбошлаб беришлари шарт.

7. МБББ Ҳисоб-китоб касса марказлари, барча тижорат банклари ва уларнинг филиаллари мижозлар, шу жумладан аҳоли томонидан топширилган эски намунадаги тангаларни (шу жумладан, нуқсонли тангаларни) уларнинг аризасига асосан омонатга, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк пластик карточка ҳисобварақларига кирим қилиш учун қабул қилишлари мумкин.

8. Мижозлар, шу жумладан аҳоли томонидан айирбошлаш кассаларига топширилган тангалар миқдоридан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

Бунда, айирбошлаш кассаларига топширилган тангалар уларнинг умумий суммасига тенг миқдорда янги намунадаги тангалар ёки муомаладаги банкнотларга айирбошлаб берилади.

9. Топширилган тангалар суммасига тенг бўлган маблағлар мижознинг аризасига асосан депозит ҳисобварағига ёки банк пластик карта ҳисобварағига ўтказиш орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

10. Айирбошлаш кассаси кассири томонидан айирбошлаб берилган тангалар бўйича ҳар иш куни якунида мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда ҳисобот тузилади ҳамда банкнинг бош бухгалтери ва касса мудирига имзо қўйдирган ҳолда, қабул қилинган эски намунадаги тангалар ва касса қолдиғи (янги намунадаги тангалар ва муомаладаги банкнотлар) касса мудирига топширилади.

11. Тижорат банки филиали томонидан айирбошлаб берилган эски намунадаги тангалар тўғрисида МБББга, МБББ ҳудуд бўйича Республика Марказий банкига кунлик маълумот берилиши лозим.

Мазкур маълумотлар эски намунадаги тангаларни айирбошлаб бериш учун айирбошлаш кассаларини ўз вақтида ва етарли миқдорда янги намунадаги тангалар ва нақд пуллар билан таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

12. Тижорат банклари филиаллари кассаларида мавжуд бўлган, мижозлардан, шу жумладан аҳолидан қабул қилиб олинган эски намунадаги 50 сўмлик ва 100 сўмлик тангалар алоҳида ҳар бирида 1000 донадан солинган қопларда шакллантирилади.

Қиймати бўйича тўлиқ шакллантирилган тангали қоплар тижорат банклари филиалларининг буюртмасига мувофиқ МБББнинг фармойишига асосан инкассация хизмати орқали Ҳисоб-китоб касса марказига жўнатилади.

Эски намунадаги тангаларнинг муомалада бўлиш муддати тугаганидан сўнг тижорат банклари филиалларида тўлиқ бўлмаган ҳолда шакллантирилган тангали қоплар МБББ Ҳисоб-китоб касса марказига жўнатилиши лозим.

13. МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларига олиб келинган эски намунадаги тангалар тўлиқ қайта саналади.

Қайта санаш жараёнида аниқланган камомад ва ортиқча қўйилмалар бўйича далолатнома тузилади ва расмийлаштирилади.

МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларида тангалар қиймати бўйича ҳар бир қопда 1000 донадан жойлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг инкассация хизмати орқали Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказига олиб келиб топширилади.

Эски намунадаги тангаларнинг муомалада бўлиш муддати тугаганидан сўнг тижорат банклари филиалларидан олиб келинган тўлиқ бўлмаган қоплардаги тангалар ҳам бирма-бир қайта саналган ҳолда, тўлиқ қоплар шакллантирилиши лозим.

Эски намунадаги тангаларнинг муомалада бўлиш муддати тугаганидан сўнг 10 кун муддат ичида МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларидаги барча эски намунадаги тангалар Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказига жўнатилиши шарт.

3-боб. Эски намунадаги банкнотларни муомаладан қайтариб олиш

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан янги намунадаги 50, 100, 200, 500 сўмлик тангалар муомалага чиқарилган кундан бошлаб, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари кассаларига келиб тушган 1994 йил намунасидаги 50 сўмлик ва 100 сўмлик банкнотларнинг қайта муомалага чиқарилиши тақиқланади.

15. Марказий банкнинг 1997 йил намунасидаги 200 сўмлик ва 1999 йил намунасидаги 500 сўмлик банкнотлари тижорат банклари филиаллари томонидан сараланади.

2019 йилнинг 1 июлига қадар 1997 йил намунасидаги 200 сўмлик ва 1999 йил намунасидаги 500 сўмлик банкнотларнинг фақат «эскирган» тоифасига ўтказилганлари тўлиқ боғламларда шакллантирилиб, МБББнинг Ҳисоб-китоб касса марказига жўнатилиши лозим.

2019 йилнинг 1 июлидан бошлаб банк кассаларига келиб тушган 1997 йил намунасидаги 200 сўмлик ва 1999 йил намунасидаги 500 сўмлик банкнотларнинг қайта муомалага чиқарилишига йўл қўйилмайди ҳамда мазкур банкнотлар тижорат банклари филиаллари томонидан тўлиқ айирбошлаб берилади.

16. МБББ Ҳисоб-китоб касса марказлари, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари миқозлар, шу жумладан аҳоли томонидан топширилган эски намунадаги банкнотларни (шу жумладан, эскирган банкнотларни) ҳеч қандай монеликсиз, чекловларсиз қабул қилишлари ва ҳеч қандай тўлов ёки воситачилик ҳақи ундирмаган ҳолда уларни айирбошлаб беришлари шарт.

17. МБББ Ҳисоб-китоб касса марказлари, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари миқозлар, шу жумладан аҳоли томонидан топширилган эски намунадаги банкнотларни (шу жумладан, эскирган банкнотларни) уларнинг аризасига асосан омонатга, шунингдек қонун ҳужжатларида белгилан-

ган тартибда банк пластик карточка ҳисобварақларига кирим қилиш учун қабул қилишлари мумкин.

18. Мижозлар, шу жумладан аҳоли томонидан айирбошлаш кассаларига топширилган банкнотлар миқдориди ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

Бунда, айирбошлаш кассаларига топширилган банкнотлар уларнинг умумий суммасига тенг миқдорда янги намунадаги тангалар ёки муомаладаги банкнотларга айирбошлаб берилади.

19. Топширилган банкнотлар суммасига тенг бўлган маблағлар мижознинг аризасига асосан депозит ҳисобварағига ёки банк пластик карта ҳисобварағига ўтказиш орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

20. Айирбошлаш кассаси кассири томонидан айирбошлаб берилган банкнотлар бўйича ҳар иш куни якунида мазкур низомнинг иловасига мувофиқ шаклда ҳисобот тузилади ҳамда банкнинг бош бухгалтери ва касса мудирига имзо қўйдирган ҳолда, қабул қилинган эски намунадаги банкнотлар ва касса қолдиғи (янги намунадаги тангалар ва муомаладаги банкнотлар) касса мудирига топширилади.

21. Тижорат банки филиали томонидан айирбошлаб берилган эски намунадаги банкнотлар тўғрисида МБББга, МБББ ўз навбатида ҳудуд бўйича Марказий банкка кунлик маълумот беришлари лозим.

Мазкур маълумотлар эски намунадаги банкнотларни айирбошлаб бериш учун айирбошлаш кассаларини ўз вақтида ва етарли миқдорда янги намунадаги тангалар ва нақд пуллар билан таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

22. Тижорат банклари филиаллари кассаларида мавжуд бўлган, мижозлардан, шу жумладан аҳолидан қабул қилиб олинган эски намунадаги банкнотлар қийматига қараб 100 донадан дасталаб, 10 та дастадан иборат бўлган боғламларни тўлиқ шакллантирилади.

Қиймати бўйича тўлиқ шакллантирилган пул боғламлари тижорат банклари филиалларининг буюртмасига мувофиқ МБББнинг фармойишига асосан инкассация хизмати орқали Ҳисоб-китоб касса марказига жўнатилади.

Эски намунадаги банкнотларнинг муомалада бўлиш муддати тугаганидан сўнг тижорат банклари филиалларида тўлиқ бўлмаган ҳолда шакллантирилган боғламлар МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларига жўнатилиши лозим.

23. МБББ Ҳисоб-китоб касса марказига тижорат банклари филиалларидан олиб келинган эски намунадаги банкнотлар тўлиқ қайта саналади.

Қайта санаш жараёнида аниқланган камомад ва ортиқча қўйилмалар бўйича далолатнома тузилади ва расмийлаштирилади.

МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларида банкнотлар қиймати бўйича алоҳида дасталаниб ҳамда тўлиқ боғламлар шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг инкассация хизмати орқали Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказига олиб келиб топширилади.

Эски намунадаги банкнотларнинг муомалада бўлиш муддати тугагани-

дан сўнг тижорат банклари филиалларидан олиб келинган тўлиқ бўлмаган боғламлардаги банкнотлар ҳам бирма-бир қайта саналган ҳолда, тўлиқ боғламларда шакллантирилиши лозим.

Эски намунадаги банкнотларнинг муомалада бўлиш муддати тугаганидан сўнг 10 кун муддат ичида МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларидаги барча эски намунадаги банкнотлар Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказига жўнатилиши шарт.

4-боб. Яқуний қоидалар

24. МБББ эски намунадаги банкнот ва тангаларни янги намунадаги тангаларга ёки муомаладаги банкнотларга айирбошлаб бериш учун ҳудудлардаги тижорат банклари филиалларини етарли миқдорда янги намунадаги тангалар ва муомаладаги банкнотлар билан ўз вақтида таъминлаш чораларини кўришлари лозим.

25. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

20 ____ йилнинг « ____ » _____ да _____ банкнинг _____ филиали айирбошлаш кассаси томонидан қабул қилинган эски намунадаги тангалар ва банкнотлар ҳамда айирбошлаб берилган янги намунадаги тангалар ва муомаладаги банкнотлар бўйича
ҲИСОБОТ

(сўмда)

Т/р	Касса мудиридан қабул қилинган янги намунадаги тангалар ва муомаладаги банкнотлар		Айирбошлаш учун қабул қилинган эски намунадаги тангалар ва банкнотлар		Айирбошлаб бериш учун ишлатилган янги намунадаги тангалар ва муомаладаги банкнотлар		Пластик картага (омонатга) ўтказилган маблағлар	Қун охирида қолган янги намунадаги тангалар ва муомаладаги банкнотлар қолдиғи	
	Номинали	Суммаси	Номинали	Суммаси	Номинали	Суммаси	Суммаси	Номинали	Суммаси
Тангалар									
	50 сўмлик		50 сўмлик		50 сўмлик			50 сўмлик	
	100 сўмлик		100 сўмлик		100 сўмлик			100 сўмлик	
	200 сўмлик				200 сўмлик			200 сўмлик	
	500 сўмлик				500 сўмлик			500 сўмлик	
	Жами:								
Банкнотлар									
	200 сўмлик		50 сўмлик		200 сўмлик			200 сўмлик	
	500 сўмлик		100 сўмлик		500 сўмлик			500 сўмлик	
	1000 сўмлик		200 сўмлик		1000 сўмлик			1000 сўмлик	
	5000 сўмлик		500 сўмлик		5000 сўмлик			5000 сўмлик	
	10000 сўмлик				10000 сўмлик			10000 сўмлик	
	50000 сўмлик				50000 сўмлик			50000 сўмлик	
	Жами:								
	Ҳаммаси:								

Бош бухгалтер:

(имзо)

(Ф.И.О.)

Касса мудир:

(имзо)

(Ф.И.О.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**432 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1910-1

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 18 майдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1910, 2009 йил 25 февраль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2018 йил 24 апрелдаги 05/2531-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 10 февралдаги 1-П, 8-сон «Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1910, 2009 йил 25 февраль) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 майда эълон қилинган.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 май,
288-мҲ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

433 Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2918-1

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 17 июлдаги 110, 140, 2017-37, 01-02/8-29-сон қарори (рўйхат рақами 2918, 2017 йил 25 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 34-сон, 911-модда) билан тасдиқланган Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди учинчи хатбошисидан «ва ободонлаштириш ва иж-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 майда эълон қилинган.

тимойй инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 7 май,
89-сон

Д. КУЧКАРОВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 7 май,
15-сон

Б. ХОДЖАЕВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2018 йил 7 май,
2018-33-сон

Б. ПАРПИЕВ

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2018 йил 7 май,
01-02/8-33-сон

М. АЗИМОВ

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 14 майдан 19 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 23 апрелдаги 22-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларнинг 2-иловасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 апрелдаги 14-к/к, 88-сон «Ходимлар сонини тартибга солиш ва бошқарув таркибини таъминлаш учун харажатларни мақбуллаш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1288-4.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20, 10-ққ-сон «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1956-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20/1, 10-ққ/1-сон «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3012.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 1 майдаги 180-сон «Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3013.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 4 апрелдаги 70-сон «Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассаса-

лари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1941-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/16-сон «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 574-1.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2326-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/1-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3014.

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 19 майдаги 288-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1910-1.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 7 майдаги 89, 15, 2018-33, 01-02/8-33-сон «Маблағларни инвестицияга йўналтирувчи юридик шахслар томонидан имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2918-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 574, 1998 йил 21 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 15 майдаги 285-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш

агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Тайёр гўшт-сут маҳсулотларининг сифати устидан тизимли комплекс назорат ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. (рўйхат рақами 1910, 2009 йил 25 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 19 майдаги 288-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.